



XVIII аср ўрталарида Тошкент тўртта — Бешёғоч, Кўкча, Себзор ва Шайхонтохур даҳаларига бўлинган. 1784 йили Шайхонтохур даҳаси ҳокими Юнусхўжа томонидан барча даҳалар бирлаштирилиб, ягона сиёсий ҳокимият барпо этилган.

Кўкча даҳаси шаҳарнинг гарбий қисмида, асосан, ҳозирги Шайхонтохур тумани ҳудудида жойлашган. Унинг ҳудудини чуқур жарликлар кесиб ўтган. Чегараси шарқда Сағбон кўчасининг шарқидан, жануби-шарқ тарафидан Куйи Бўзсув бўйлаб (Маннон Уйғур ва Самарканд дарвоза кўчалари оралигидан) ўтган. Бу ерларнинг гарбида кўкчаликларнинг боғлари ва полизлари бўлган. Асосан, Кайковус ва унинг шохобчаларидан сугорилган Кўкча даҳасининг чорбоғлари Назарбек, Кўксарой ҳамда Келес дарёси бўйларидаги жойларда бўлган. XIX аср ўрталарида Кўкчада учта — Сағбон, Чигатой ва Кўкча дарвозалари бўлган.

Кўкча маҳалласи тарихи бевосита Шайх Зайниддин-бобо билан узвий боғлиқ. Бу зотнинг отаси бағдодлик машҳур сўфий, суҳравардия тариқатининг раҳнамоларидан саналган шайх Шаҳобиддин Суҳравардий (1145-1235) бўлган. Тарихдан маълумки, шайх Шаҳобиддин 1215 йили Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳузурига Бағдод халифаси Носирнинг (1180-1225) элчиси сифатида келган. Шайх Зайниддин отаси таълимотини Тошкентда кенг тарғиб этган. Уни шайх Зайниддин Куйи Орифоний деб улуғлашади. Унинг вафотидан сўнг, қабри зиёратгоҳга айланиб, атрофи Орифон деб ном олган кишлокка айланган (XIII аср). XIV асрнинг 90-йилларида Амир Темур Тошкентда бўлганида қабр устига макбара қурдирган. XVI асрда унинг атрофида Орифон маҳалласи бунёд этилган бўлиб, у шаҳар ташқарисида жойлашган. Бу маҳалла XIX асрда Шайх Зайниддинбобо, кейинчалик Кўкча деб ном олган.

Кўкча аҳолиси, асосан, кўнчилик билан шугулланган. Архив маълумотларига кўра, 1871 йилда даҳадаги 695 устахонадан 341 таси кўнтери, 218 таси қосибчилик устахонаси бўлган. Кўкчада 7 та хумдон, 22 та тегирмон, 22 та обжувоз, 34 та мактаб, 4 та мадраса (Эшон Бўрихўжа Сакичмоний, Шуқурхон, Хофиз Кўҳакий, Шарафибой), 60 та масжид, 14 та кадамжо-мозорлар (Лангар ота, Яланғоч ота, Ваккос ота, Кўйчи мазор ва х.к.) бўлиб, шундан энг машҳури Шайх Зайниддинбобо қабристони ҳисобланади.

Кўкча даҳасига қуйидаги маҳаллалар қирган: Айрилиш, Аллон, Баландкўприк, Гузарбоши, Дамак, Жарарик, Ишқобод, 1-Каллахона, 2-Каллахона, Каттаҳовуз, Кесаккўргон, Кунжак, Кўкча, Лангар, Маҳкама (Чорсу бозори маҳалласи; маҳалланинг бошқа қисми Бешёғоч, Себзор даҳаларида), Молҳарам, Обиназир, Окилон, Октепа, Пичокчилик, Подахона, Сархумдон, Сакичмон, Сағбон, Сағбон Октепа, Торкўча, Тўқшжаллоб, Хиёбон, Ходабозор, Хонакоҳ (Хонакоҳи бузург; бир қисми Бешёғоч

дахасида), Хотинмасжид (бир қисми Себзор даҳасида), Хўжакўча, Хўжапарихон, Чакар, Чигатой Чакари, Чигатой, Чуқурқишлоқ, Шайх Зайниддинбобо, Янгишахар, Шохнишинтепа, Ўзгант, Ўрикзор, Катортарак, Килбел-боғ, Козикўча, Козокбозор (Чорсу бозори маҳалласи; бир қисми Себзор даҳасида), Коракийик, Кўргонтаги, Кўштут, Калимқўп, Хожималик, Хофиз Кўҳакий. Шунинг назарда тутиш лозимки, XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида маҳаллалар сони ва номланиши ўзгариб турган.

Обиназир — Кўкча даҳасидаги қадимги маҳаллалардан бири бўлиб, шаҳарнинг гарбий қисмида Кўкча дарвозасига яқин ерда жойлашган. Маҳалла номи баъзи тадқиқотчилар томонидан «Ёбуназир» шаклида, Кўкча дарвозасини кўриклаган «Ёбу» қабиласи номидан олинган деб ҳисоблашларига қўшилиб бўлмайди. Аслида эса, унинг мазкур қабиллага мутлақо алоқаси йўқ. Тарихчи Салоҳиддин Тошкандийнинг ёзишича: «1390-91 йилларда Дашти Кипчокка отланган Амир Темур Тошкентда бўлганида Ҳазрат Шайх Зайниддин Кўйи Орифонийга Кайковус суйидин чиқариб, қабрлари узра гумбаз кўтариб, андин кейин Занги отани муборак қабрларини бино қилган». Бундан кўринадики, бу ариқнинг номи Обиназир — «назир қилинган сув» демакдир. Хожа Ахрор Валий манокібларида («Рашахот» ва б.к) битилишича, Зайниддинбобо зиёратига келиб астойдил Аллоҳдан фарзанд тилаган бефарзанд оилалар муродларига етишган. Обиназир ариғи муқаддас саналган, унинг суви кўпгина дардларга даво бўлган. Ҳозиргача аҳоли масжид эшиги ёнида, ер остидан чиқадиган шу сувдан фойдаланиб келмоқда. Хулоса қилиб айтганда, маҳалла XIV аср охири - XV аср бошларида айнан мана шу ариқ бўйида вужудга келган ва унинг номи билан аталган. Ҳозирда Шайхонтохур туманига қарашли маҳалла Янгишахар, Боғқўча, Гулобод, Жарарик маҳаллалари билан чегарадош. Маҳалла ҳудудида XIX асрга оид меъморий обидалардан Обиназир ва Пўлатбой масжидлари сақланиб қолган.

Янгишахар маҳалласида қадимда Кўкча дарвозаси жойлашган. Тарихчи Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида келтирилишича, Шайх Зайниддин қабристонида Кўкча дарвозасигача бўлган масофа 1800 қадамни ташкил этган. Маҳалла Обиназир, Кўкча, Жарарик, Окилон маҳаллалари билан чегарадош. Маҳалла номининг келиб чиқиши ҳақида тарихчи олим Х.Меликулов «Маҳалла — Ватан ичидаги ватан» китобида шундай ёзади: «Бир пайтлар Кўкча атрофи бутунлай боғ-роғлардан иборат бўлган. Факатгина мана шу Янгишахар деб аталадиган қисмидагина баланд-баланд иморатлар бўлган, яъниким шаҳарчага ўхшаб турган, номи ана шу ўхшашлик билан боғлиқ». Бизнингча, бу унчалик тўғри эмас. Янги шаҳар маҳалласи кўшни Обиназир маҳалласи тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, тах-минан XIV-XV аср бошларига бориб тақалади. XIX аср охири - XX аср бошларида шаҳар ҳудудининг кенгайиши натижасида, шаҳар девори ташқарисида кўплаб янги маҳаллалар вужудга келган (масалан, Янгишахар Минор, Янгишахар Турк, Янгишахар Лабзак ва х.к), шулардан бири Янгишахар маҳалласи бўлган. Маҳалла аҳолиси, асосан, майда хунарамандчилик, боғ-дорчилик, дехкончилик, савдо-сотик билан шуғулланган.

Шохнишинтепа ҳам Кўкча даҳасидаги қадимги маҳаллалардан бўлиб, Чигатой дарвоза кўчаси (ҳозирги Фөробий)да жойлашган. Маҳалла номи шу ердаги Шохнишинтепа археологик ёдгорлиги (VII-XIII асрнинг бошлари) номидан олинган. Ривоятларга кўра, Турон подшоҳи Афросиёб ўз фуқароларини шу ерда қабул қилган. Шохнишин — шох ўтирган ер маъносини билдиради. Бу тепалиқдан илк ўрта асрларга оид моддий маданият ёдгорликлари топилган. IX-X асрларда бу ерда кўшк барпо этилиб, у Бинкат рабоди таркибига қирган. Маҳалла аҳолиси қулолчилик билан машғул бўлган,

археологик изланишлар натижасида бу ердан кулолчилик устахоналари ва хумдонлар топилган. Мўғуллар босқинига қадар Шохнишинтепа Бинкат рабоди маҳаллаларидан бири бўлган.

XIX аср охири - XX аср бошларида Шохнишинтепа (халқ тилида «Шаршинтепа») Эски шаҳар бозори атрофидаги маҳаллалардан бири бўлиб, у Чакар, Тўқлижаллоб, Чигатой маҳаллалари билан чегараланган. Анча гавжум маҳаллада 300 га яқин хонадон яшаган. Аҳоли, асосан, майда хунармандчилик, савдо-сотик, шаҳар атрофидаги бог ховлиларида (Захарик, Октепа, Белтепа, Дамарик мавзеларида) богдорчилик ва дехкончилик билан шугулланган. Маҳалла гузарида чойхона, бакколлик дўконлари, масжид бўлган. Ҳозирда Шохнишинтепа «Эски шаҳар» ва «Чигатой дарвоза» маҳаллалари таркибига кирган.

Даҳа ҳудудида бир қанча зиёратгоҳ мазорлар бўлган, жумладан, Қорақийик маҳалласида — Хўжа Бобоҳўжа мазори, Кўкча маҳалласида — Шайх Зайниддинбобо мазори, Қаллаҳона маҳалласида — Окчўллик-Кўктўнлик ота мазори, Ўзганд маҳалласида — Лангар ота мазори, Хофиз Кўҳақий маҳалласида — Хабзи ота мазори, Чимбой маҳалласида — Турсун ота — «Давлат шохота» мазори, Молҳарам маҳалласида — Чилик ота мазори, Тўқдижаллоб маҳалласида — Ялангоч ота мазори, Сағбон Октепаси маҳалласида — Қорахўжа ота мазори, Чигатой маҳалласида — Кўйчимозор, Пичокчилик маҳалласида — Эски мазор, Қорақамиш маҳалласида — Ваккос ота мазори, Хиёбон маҳалласида — Чилла мазори, Янгишаҳар маҳалласида — Кўкча мазори ва бошқалар. 1929 йил шаҳарда районлаштириш жараёни бошланиши билан Кўкча даҳаси янги ташкил этилган район (собиқ Октябрь, ҳозирги Шайхонтоҳур) таркибига киритилди.

Машҳура ХАСАНОВА